



№35 (888)

2025 йил 22 апрель,
сешанба

O'ZBEKISTON

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



2027 йил 1 январгача
хуқуқий эксперимент
тариқасида
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги,
Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги
вазирлиги, Сув
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзбекнефтегаз”
АЖ ҳамда
“Ўзсўтасъминот”
АЖнинг коррупцияга
қарши ички назорат
бўлинмалари
раҳбари лавозимида
Коррупцияга қарши
курашиш агентлиги
ходимлари
тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2025 йил 21 апрелдаги
“Давлат органлари ва
ташкилотларининг
коррупцияга қарши ички
назорат бўлинмалари
мустақиллигини
таъминлаш ҳамда фаолияти
самарадорлигини
ошириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги қароридан.

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

Ташрифдан кейинги ўйлар



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини кучайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек, кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш, иссиқлик таъминотидан фойдаланиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларини кўрсатиш ҳамда улардан фойдаланиш юзасидан таъсирчан давлат назоратини таъминлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Мақсадлар

1. Қуйидагилар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

(а) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясини (кейинги ўринларда – Инспекция) мустақил республика ижро этувчи ҳокимият органи сифатида шакллантириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;

(б) **жорий йил якунига қадар** қурилиш, кўп квартиралли уйлари бошқариш ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида назорат функцияларини тўлиқ рақамлаштириш;

(в) **2025 йил 1 июлга қадар** хусусий сектор томонидан амалга оширилган назорат тизими механизмларини шакллантириш.

II. Назорат механизмларини такомиллаштириш

2. Белгилансинки, **2025 йил 1 майдан бошлаб:**

(а) тадбиркор ва қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекциялари (кейинги ўринларда – ҳудудий инспекциялар) ўртасида шартнома (оммавий оферта) тузилган бўлса, тадбиркорлик субъектларининг қурилиш объектларида қисқа муддатли давлат қурилиш назорати тадбирлари шартнома шартлари доирасида амалга оширилади ва “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилмайди;

(б) Инспекцияга кўп квартиралли уйлари бошқариш ва сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш жараёнида **хўжалик юритувчи субъектларнинг молиялаштириш манбаларидан қатъи назар молия-хўжалик фаолиятига аралашиб қатъиян тақиқланади.**

3. **2025 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир қурилаётган объектнинг QR-кодли паспорти** жорий қилинсин. Бунда QR-кодли паспорт орқали шаҳарсозлик субъектлари, қурилиш муддатлари, шаҳарсозлик ҳужжатлари (эскиз лойиҳалари) ва тасдиқланган экспертиза хулосалари ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилсин.

► 2-бет

БУГУН БОБУР ВАТАНГА ҚАЙТДИ

Зиё СИРОЖ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**2025 йилнинг
15 апрель куни
андижонликлар учун
тарихий аҳамиятга
молик сана бўлди!**

Шу куни юртбошимиз Янги Андижон шаҳрида бўлиб ўтаётган халқ сайлида иштирок этди. Президент тадбирда нутқ сўзлар экан, жумладан шундай деди: “...**сизлар билан бундан икки йил аввал Янги Андижон шаҳри ва “Янги Ўзбекистон” боғини барпо этиш ҳақида келишиб олган эдик. Ўтган давр мобайнида ушбу улкан лойиҳани амалга ошириш борасида қатта ишлар бажарилганига барчангиз гувоҳсиз. Нафақат гувоҳсиз, айни пайтда уларда бевосита иштирок этмоқдасиз. Қисқа вақт ичида ҳавас қилса арзийдиган мана шу гўзал шаҳарча билан бирга “Янги Ўзбекистон” боғи ҳам қад кўтарди. Сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни ана шу буюк меҳнат ғалабаси билан самимий табриклайман. Бундай файзли, муаззам маскан барчамизга, аввало, меҳнаткаш ва олижаноб Андижон аҳлига муборак бўлсин, буюрсин!”**

Ўзбек халқи бирлашса, куч бўлади. Бунга тарихдан мисоллар жуда кўп. Масалан, Катта Фарғона каналининг ҳашар йўли билан қазилиши сўзимиз ифодасидир. Худди шунингдек, Янги Андижон шаҳрининг барпо этилиши ҳам халқимиз томонидан муштарак мақсад сари қўйилган дадил қадамлардан биридир.

Янги Андижон шаҳри Андижон туманида узоқ йиллар давомида фойдаланилмай турган адирлик бағрида қад ростламokban. Унга қадар бу жойлар пасту-баландликдан иборат яланглик эди. Ушунда ким ўйлабди, дейсиз, вақти



келиб бу ерда нафақат Фарғона водийсининг, балки мамлакатимизнинг йирик сайёҳлик марказига айланадиган ақли шаҳарчаси барпо этилишини!

Янги Андижон лойиҳаси республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифларидан биридаги ташаббуси билан бошланди. Лойиҳа Андижон тумани адирликларида 440 минг нафарга яқин аҳоли яшаши мумкин бўлган янги шаҳар қурилиши назарда тутатди. Шаҳарнинг умумий майдони 4 минг гектарни ташкил этиб, унда турар жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, sanoat зоналари, яшил ҳудудлар ва инфрату-

зилма объектлари барпо этилади. Янги манзил 8 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 3 минг 310 хонадонли 70 та кўп қаватли уй-жой, 1 минг 680 ўринли мактаб, 385 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 200 катновли поликлиника, трикотаж корхонаси, ипотека маркази қурилиши режалаштирилган.

Айни пайтда ҳудуд йирик бунёдкорлик майдонига айланган. Шу билан бирга, 2 минг 460 хонадонли 82 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шунингдек, мактаб, мактабгача таълим ташкилоти, поликлиника, ипотека маркази, ишлаб чиқариш корхонаси, “Ватанпарлар боғи” ҳамда бир нечта савдо,

хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди.

– Ҳудудни ташқи муҳандислик ва коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича биринчи навбатдаги ишлар изчил олиб борилмоқда, – деди вилоят ҳокимлигининг қурилиш ишлари бўйича масъул мутахассиси Шохруҳбек Собиров. – Шу кунга қадар 18 километр узунликдаги электр, 24 километр табиий газ, 11,4 километр алоқа, 42 километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари ишга туширилди, 22,9 километр узунликдаги йўл ҳаракатланувчилар ихтиёрига топширилди.

► 2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ;
(а) кўп квартирали уйлардаги жойларни, шунинг-дек, ертўлаларни қайта қуриш ва қайта режалаштиришда шаҳарсозлик нормаларини бузган ҳолда **кўп квартирали уйнинг конструктив қисмлари ва таянч деворларига ўзгартiriш киритиш, бузиш** ҳамда би-нонинг зилзилага бардошлилигига салбий таъсир қи-ладиган ишларни амалга ошириш тақиқланади;

(б) **2025 йил 1 июлдан бошлаб** барча ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизи-ми объектларини **мажбурий тарзда** шартнома асосида **технология аудитдан ўтказиш** тартиби жорий этилади.

5. **2025 йил 1 июлдан бошлаб:**

(а) босқичма-босқич ҳудудий инспекцияларда **Қу-рилиш объектларини онлайн кузатиш маркази** таш-кил этилсин;

(б) тажриба-синов тарикасида 2025 йилда **Қашқа-дарё вилоятидаги** Давлат бюджети маблағлари ҳисо-бига янгидан **қуриладиган объектларга видеокаме-ралар ўрнатилсин;**

(в) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳа-си-да давлат назоратини амалга оширишда **мобил видео-камералар (бодикамера) ва махсус планшетлардан** фойдаланилсин;

(г) мобил видеокамералар (бодикамера), махсус планшетлар ва видеокамералардан олинган маълум-отлар тўғридан-тўғри **Қурилиш объектларини он-лайн кузатиш марказига узатилсин;**

(д) **“Е-tamshu ish”** ахборот тизимида шаҳарсоз-лик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари-ни бузган шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўл-лашни **қўриб чиқиш тартиби соддалаштирилсин.**

6. **2025 йил 1 сентябрга қадар** “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг **“Қурилишда давлат на-зорати” электрон платформасига** қуйидаги маълум-отлар интеграция қилинсин:

(а) Кадастр агентлигининг **“UZKAD”** кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ах-борот тизимидаги кўп квартирали уйларнинг умумий фойдаланиш майдони ва унга туташ ер участкалари ҳамда хонадоннинг мулкдори, кадастр рақами ва ка-дастр чизмаси тўғрисидаги маълумотлар;

(б) “Ўсувтаъминот” АЖнинг **билнинг** тизимида-ги истеъмолчиларнинг манзили ва сони, сув ҳисоб-лағичлари кўрсаткичлари, сарфланган сув микдори ва қарздорлик, оқова сувларни чиқариш, янги қамраб олинган истеъмолчилар тўғрисида ва бошқа маълум-отлар.

III. Хусусий назорат тизими механизмларини шакллантириш

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, **2025 йил 1 июлдан** бошлаб:

(а) яқка тартибдаги уй-жойлар ва кичик ҳажмдаги нотурар бино ва иншоотларни қуриш ҳамда рекон-струкция қилиш ишлари юзасидан олиб борилади (кейинги ўринларда – хусусий қурилиш назорати);

(б) хусусий қурилиш назорати **архитектура-шаҳар-созлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолияти учун лицензияга эга** бўлган ҳамда қурилиш объектининг **лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектура қисми-ни ишлаб чиққан** лойиҳа ташкилоти (кейинги ўрин-ларда – лойиҳачи) томонидан шартнома асосида амал-га оширилади;

(в) хусусий қурилиш назорати объектларида қури-лиш (реконструкция ишлари) якунига етгандан сўнг лойиҳачи томонидан **“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида хулоса шакллантирилади** ва бю-юртмачига тақдим этилади;

(г) қурилиши (реконструкция ишлари) тугаллан-ган объектдан фойдаланиш учун **рухсатнома бериш** тегишли туман (шаҳар) **қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлиmlари** (Тошкент шаҳрида – туман қури-лиш бўлиmlари) томонидан амалга оширилади;

(д) хусусий қурилиш назорати олиб борилмаганда ёки назоратни олиб борган лойиҳачининг ижобий ху-лосаси мавжуд бўлмаганда объектларни фойдаланиш-га қабул қилиш тақиқланади.

8. Қуйидагилар хусусий қурилиш назорати объект-лари ҳисоблансин:

(а) икки қаватдан юқори бўлмаган (цоколлни ҳисоб-га олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан **12 метр**дан ва (ёки) умумий майдони (ёрдамчи хўжалик иморат-ларини ҳисобга олмаган ҳолда) **500 квадрат метр**дан ортиқ бўлмаган акка тартибдаги уй-жойлар;

(б) қурилиш ҳажми **300 метр** кубдан ортиқ бўлма-ган нотурар бино ва иншоотлар ҳамда енгил турдаги (конструкцияли) қурилмалар.

IV. Институционал ислохотлар

9. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазир-лиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжа-лиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси **Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилсин.**

10. Қуйидагилар:

(а) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси **фаолиятининг устувор йўналишла-ри 1-иловага** мувофиқ;

(б) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг **ташкилий тузилмаси 2-илова-га** мувофиқ тасдиқлансин.

11. Белгилансинки:

(а) Инспекция қурилиш ва уй-жой коммунал хўжа-лиги соҳасида давлат назорати ва текширувини амал-га оширувчи **мустақил республика ижро этувчи ҳоки-мият органи** ҳисобланади;

(б) Инспекция бевосита **Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдордир.**

(в) Инспекция бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, унинг ўринбосарлари эса Ўз-бекистон Республикаси Президенти билан келишил-ган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод қилинади;

(г) ҳудудий инспекциялар ходимлари сони назо-ратга олинган **объектларнинг умумий сонидан, ҳаж-мидан ва масофасидан** келиб чиққан ҳолда белгила-нади.

12. Инспекция тузилмасида **2 та** бошқарув ходими штат бирлигидан иборат бўлган **комплаенс назорат хизмати ташкил этилсин** ва ҳудудий инспекциялар тузилмасига **комплаенс назорат бўйича мутахассис лавозими киритилсин.** Бунда Инспекциянинг ком-плаенс назорат хизмати ва ҳудудий инспекциялар-нинг комплаенс назорат бўйича мутахассислари **бевос-ита Инспекция бошлиғига бўйсунadi.**

13. Ҳудудий инспекциялар фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва уларга умумий раҳбарлик қи-лиш **вертикал бошқарув тизими** асосида Инспекция томонидан амалга оширилади. Бунда давлат ҳокимия-ти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилув-чи ва назорат органлари томонидан Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимлари зиммасига **улар-нинг ваколатига кирмайдиган вазифаларни юклаш тақиқланади.**

V. Давлат назорат тизимини молиялаштириш

14. Инспекция фаолияти Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари, назоратга олинган объектлар бўйича ундириладиган ажратмалар ва қўл-ланадиган жарималар, хўжалик фаолиятидан олинган даромдлар, бюджетдан ташқари тегишли жамғарма-лар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манба-лар ҳисобидан молиялаштирилсин.

15. Давлат қурилиш назорати амалга оширилиши шарт бўлган барча объектлар бўйича ҳудудий инспек-цияларга ажратмалар қуйидаги тартибда тақсимлана-ди:

(а) **5 фоизи** – Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилади;

(б) **5 фоизи** – Қурилиш ва уй-жой коммунал хў-жалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилади;

(в) **10 фоизи** – Инспекциянинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтирилади;

(г) **80 фоизи** – ҳудудий инспекциялар ихтиёрида қолдирилади.

16. Инспекция ва ҳудудий инспекциялар томони-дан ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозликка оид қо-нунчилик талабларини бузганлик учун айбдор шахс-лардан ундириладиган жарималар қуйидаги тартибда тақсимланади:

(а) **20 фоизи** – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюд-жетларига йўналтирилади;

(б) **20 фоизи** – Қурилиш ва уй-жой коммунал хў-жалиги вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилади;

(в) **60 фоизи** – Инспекциянинг бюджетдан ташқа-ри ҳисобварағига йўналтирилади.

17. Ҳудудий инспекцияларнинг шаҳарсозлик соҳа-сида кўрсатадиган хизматлари ва бажарадиган ишла-ридан олинган даромадлар қуйидаги тартибда тақ-симланади:

(а) **15 фоизи** – Инспекциянинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтирилади;

(б) **85 фоизи** – ҳудудий инспекцияларнинг ихти-ёрида қолдирилади.

18. Инспекциянинг бюджетдан ташқари маблағла-ридан қуйидаги мақсадларда фойдаланишга рухсат берилсин:

(а) Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг мод-дий-техника базасини мустаҳкамлаш;

(б) Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг жор-ий ва бошқа харажатларини молиялаштириш;

(в) Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг хо-димларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш;

(г) Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг раҳ-барлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёр-лаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, хорийжий давлатлар билан тажриба алмашиш.

VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

19. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

20. Инспекция (С. Эшқувватов) **2025 йил декабрга қадар:**

(а) ҳудудий инспекциялар ходимлари ротацияси тизимини жорий этсин;

(б) хорийжий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиб, ҳудудий инспекция ходимларини хорийжа қисқа муд-датли тажриба алмашиш, стажировка ўташга юбориш амалиётини йўлга қўйсин;

(в) Инспекциянинг ташкил этилаётган таркибий бўлинмаларини юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин.

21. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазир-лиги (Хидоятлов), Инспекция (С. Эшқувватов) **уч ой муддатда** қуйидагилар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин:

(а) ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш ва ноқонуний қурилган объектлар эгаларига нисбатан тегишли чоралар белгилаш;

(б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузу-ридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони (Ж. Урунов) ва Савдо-саноат палатаси (Д. Ва-хабов) билан биргаликда Инспекция томонидан ўтқа-зиладиган назорат тадбирларида текширишлар тар-тибни соддалаштириш, хабардор қилиш ва “хавфни тахлил қилиш” тизимини такомиллаштириш.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ай-рим ҳужжатларига **4-иловага** мувофиқ ўзгартiriш ва қўшимчалар киритилсин.

23. Инспекция (С. Эшқувватов) манфаатдор вазир-лик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддат-да** ушбу Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Инспекция фаолиятини самарали ташкил этиш бў-йича ҳамда қонунчиликка ўзгартiriш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига ки-ритсин.

24. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳа-сида давлат назоратини амалга оширишда қўрилаёт-ган чора-тадбирлар моҳиятини аҳоли ва кенг жамоат-чиликка тушунарли тарзда етказиш ишларини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Миллий телерадиоком-панияси (А. Джурабаев) Инспекция (С. Эшқувватов) билан биргаликда:

(а) мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган кўрсатувлар, лавахалар, ви-деороликлар ва эшиттиришлар тайёрласин;

(б) ишлаб чиқилган медиамаҳсулотлар Миллий те-лерадиякомпаниянинг барча теле- ва радиоканалла-рида тизимли равишда эфирга узатилишини таъмин-ласин.

25. Мазкур Фармоннинг мақсадларига эришиш доирасида қуйидагилар **масъул** этил белгилансин:

(а) **Бош вазир ўринбосари А. Ж. Раматов** – ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул вазирликлар, идоралар ва таш-килотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин, ҳар ойда бажарилган ишлар тўғрисида уларнинг раҳбар-лари ҳисоботларини қабул қилсин ва аниқланган кам-чиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

(б) **қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вази-ри Ш. С. Хидоятлов** – хусусий қурилиш назорати тизи-ми механизмларини жорий этсин, қурилиш объектла-рининг хавф-хатар тоифаларини қайта қўриб чиқсин, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини тако-миллаштириш ва соҳада рақамлаштириш ишларини самарали ташкиллаштирсин;

(в) **Инспекция бошлиғи С. Қ. Эшқувватов** – давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартиби-ни жорий этиш, Инспекция ва ҳудудий инспекциялар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация техно-логияларини босқичма-босқич татбиқ қилиш бўйича ишлар сифатли ташкиллаштирилишини, шунингдек, ушбу Фармонни амалга ошириш давомида юзага ке-ладиган жорий масалалар тезкорлик билан ҳал этили-шини таъминласин.

26. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2025 йил 14 апрель	Ш. МИРЗИЁЕВ
---	--------------------

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 14 апрелдаги ПФ-66-сон Фармони
1-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида
назорат қилиш инспекцияси фаолиятининг устувор йўналишлари

1. Барча турдаги қурилиш-монтаж ишлари (авто-мобил йўллари ва йўл сўний иншоотлари бундан мустасно) ҳамда қурилиш ишлари тугалланган объ-ектларни фойдаланишга қабул қилишда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қондалари, техник жиҳатдан тартибга со-лиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риюя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш.

2. Объектларда уларнинг зилзилага бардошлили-гига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш матери-аллари ва бўюмлари қўлланилишининг олдини олиш.

3. Объектларда буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотларининг муаилфлик назорати ва пудратчининг ички назорати тизими ишлаши устидан давлат назоратини амалга ошириш.

4. Кўп квартирали уйларни бошқариш, уларга туташ

ер участкаларини сақлаш ва улардан фойдаланишда техник фойдаланиш қондалари ва нормаларига риюя этилишини назорат қилиш ҳамда мулкдорлар томони-дан жойларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурили-шига ва қайта режалаштирилишига йўл қўймаслик.

5. Кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ва жойлар мулкдорлари томонидан иссиқлик таъми-нотидан фойдаланишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риюя этилиши устидан давлат назорати-ни амалга ошириш.

6. Ичимлик сувини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, реализация қилиш, ичимлик сувидан оқилона фойда-ланиш, шунингдек, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳуж-жатлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабла-рига риюя этилишини назорат қилиш.

7. Ичимлик сувини ишлаб чиқариш учун мўлжал-ланган ерости сувлари қудуқларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш шартлари ҳамда қазийнинг (бурғилашнинг) белгиланган қондаларига риюя эти-лишини назорат қилиш.

8. Истеъмолчиларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар билан қамраб олиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш.

9. Соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, давлат назоратини тўлиқ рақам-лаштиришни таъминлаш.

Мазкур иловада назарда тутилган Инспекция фао-лиятининг устувор йўналишлари бўйича давлат назо-рати соҳадаги махсус ваколатли давлат органлари бил-лан ҳамкорликда амалга оширилади.

БУГУН БОБУР
ВАТАНГА
ҚАЙТДИ



Янги Андижон табиати бетак-рор ҳудудда жойлашган. Бу ерда ёз-нинг жазирама иссиқ кунларида ҳам салқин ҳарорат ҳукмрон.

– Икки фарзандим билан ижара уйда яшардим, – деди 20-қўп қаватли уйда яшовчи Ойдиной Сулаймонова. – Мавжуд имкониятлардан фойда-ланган ҳолда Янги Андижонда қад ростлаган янги уйга кўчиб ўтдим. Тан олиш керак, шароит нихоятда яхши. Электр энергияси, табиий газ, ичим-лик суви, алоқа симлари, қўйингки, барча коммуникация тармоқлари махсус ер ости йўли орқали олиб ке-линган. Шу боис, таъминотда муаммо юзага келса асфальт йўлни қовлаш, биноларга шикаст етказишга ҳожат йўқ. Ҳамма таъмирлаш ва созилаш ишлари ер ости йўлагиди амалга оширилади.

“Бинокор мадад қурилиш” масъу-лияти чекланган жамияти вилоятдаги намунали қурилиш ташкилотларидан бири ҳисобланади. Жамоа аъзолари ушбу манзилда ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар қурган мактабга-ча таълим ташкилоти ва кўп қаватли уйлар аллақачон аҳолига хизмат қила бошлади.

– Айни пайтда 2 та 9 қаватдан иборат турар жой биносини барпо этмоқдамиз, – деди ташкилот раҳба-ри Хуршидбек Ҳабибуллаев. – Бунинг учун 50 нафардан зиёд тажрибали мутахассис-ишчи ва замонавий тех-ник воситалари жалб қилинган. Биз кураётган уйлар шу қадар ҳавас қилгу-лиқки, уларга ўзимиз ҳам харидормиз. Ахир, мана шундай бетакрор табиат-га, манзарага, шароитга эга ҳудудда яшашни ким ҳам хоҳламайди дейсиз?!

Янги Андижондаги 5,5 гектар-дан иборат “Ватанпарлар боғи”да 10 дан ортиқ зирхли техника музейи, умумий концерт, шахидларни хотир-лаш майдони, болалар ўйингоҳи, дам олиш жойлари ташкил этилган. 19 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиб, ўн минг туздан ортиқ манзарали дарахт кўчати, бута ва гуллар экилди. Уй-жойлар, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳа объ-ектларини ичимлик суви билан таъ-минлаш мақсадида умумий қиймати 33 миллиард сўмга тенг лойиҳа дои-расида сигими 4 минг метр куб бўлган сув сақлаш ва узатиш иншооти ишга туширилди. Умумий майдони 4 минг гектарни ташкил этадиган шаҳарнинг 1 минг 439 гектар майдонида 2 мингта кўп қаватли турар жойлар, савдо мас-канлари қад ростлайди. Шунингдек, 223 гектарда хизмат кўрсатиш, 1 минг 820 гектар майдонда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Буларнинг барча-

си ўзбек халқининг матонати, мақсад сари мардонавор ҳаракати ифодаси-дир! Энг асосийси, давлатимиз раҳ-барининг узоқни кўзлаб белгиланган истиқболли лойиҳаси намунасидир.

Республикаimiz Президенти Янги Андижон шаҳридаги халқ сайлида сўзлаган нутқи давомиди шаҳарни Бобур номи билан аташ таклифини билдириб, шундай деди:

“Шу ўринда қўпдан буён ўйлаб юрган бир ташаббусни сизлар билан маслаҳат қилмоқчиман, – деди дав-латимиз раҳбари ўз сўзида. – Ўзининг бетакрор илмий ва ижодий меро-си билан миллимиз, халқимизни бутун дунёга тараннум этган буюк аждодимиз – Заҳириддин Мухаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш мақсадида Янги Андижон шаҳарча-сига – Бобур шаҳри деб ном бераск, нима дейсизлар?”.

– Тўғриси, юртбошимиздан бу таклифни эшитган захотим ҳаяжон-дан этим жийирлаб кетди, – деди халқ депутатлари Андижон вилояти Кен-гаша депутати Матлубахон Ғаниева. – Тўеки, шу лаҳзада Бобур ўз Ватани-га қайтиб келгандек бўлди. Бу таклиф нафақат андижонликларни, балки республикаimiz аҳолисини ҳам бирдек қувонтиргани шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари шу кунги Бобур шаҳри миллий қадриятлари-мизни ўзида мужассам этадиган маъ-навий масканга, таълим ва илм-фан шаҳрига, нафақат водий, балки мам-лакатимизнинг туризм ва маданият марказига, “яшил инфратузилма” асо-сида қурилган замонавий “смарт-си-ти”, яъни, ақлли шаҳар сифатида қад ростлашини маълум қилди. Шунинг-дек, ҳудуднинг энг юқори қисмига Заҳириддин Мухаммад Бобур хайкали ўрнатилиб, унга қадар элтувчи йўлда бобурийлар даври ва ҳаётини ўзида мужассам этувчи бинолар қурилиши-ни айтиди.

– Ушбу эзгу мақсадларни амалга ошириш учун катта дастур қабул қи-ламиз, 250 миллион долларлик даст-лабки капиталга эга бўлган алоҳида жамғарма ташкил қилинади, – деди давлатимиз раҳбари ўз нутқида. – Ҳар йили бу жамғармага қўшимча маблағ ажратилади. Ушбу мегалойиҳа бир ойдан кечикмай бошланиши шарт.

Бобур – дунёда тинчлик-осойиш-талиқ ҳукм суриши учун курашган, озошлик ва ободликка интилган, халқлар ўртасидаги дўстона муноса-қат ва илму-маърифат тараққиётига ҳисса қўшган буюк зотдир. Унинг гоя-лари, орзу ва истаклари энди ўз номи билан аталувчи шаҳарда куртак ёзса ажабмас!



Суратлар president.uz сайтидан олинган.

Ҳимматли касб эгаларининг байрами кўтаринки руҳда нишонланди

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизда шаҳарсозлик ва уй-жой қурилиши сўнгги йилларда жадал ривожланмоқда. Бу жараён уй-жой коммунал хизматлар соҳасини ҳам замон талабларига мос равишда ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Ушбу уй-жойлар ва иншоотлар ҳолатини яхши сақлаш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида республикада хусусий бошқарув сервис компаниялари фаолияти кенгайтирилмоқда. Бугунги кунда кўп қаватли уйларнинг 92 фоизи ана шу компаниялар томонидан бошқарилаётгани ҳам соҳага кўрсатилаётган катта эътибор намунасидир.

18 апрель – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни муносабати билан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги вазири Шерзод Хидояттов сўзга чиқиб, соҳада фаолият юритаётган касб эгаларини байрам билан табриклаб, шундай деди:

– Одамларнинг оғирини енгил қилиш энг ғимматли касб. Зеро, сизнинг елкангизда аҳоли учун қулай яшаш шароитларини яратишдек катта масъулият бор. Ҳар бир оила фаровонлиги, ҳар бир хонадоннинг шинамлиги кўп жиҳат-

дан айнан сизларнинг меҳнатингизга боғлиқ. Биз сизларнинг тимсолингизда мураккаб шароитда ҳам эл-юртга сидқидилдан хизмат қилаётган мард ва олижаноб инсонларни кўрамыз.

Байрам тадбири давомида илк марта республика миқёсида ўтказилган "Энг яхши бошқарув органи" кўрик-танловининг ғолиблари ҳам эълон қилинди.

Ҳабарингиз бор, 3-4 апрель кунлари пойтахтимизда танловнинг Республика босқичи бўлиб ўтган эди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйлаб сараланган 16 та бошқарув сервис компанияси ўзаро бел-



лашган эди. Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги "Olmazor Holding Grant" бошқарув сервис компаниясига насиб этди ва бош соврин – "Damas" автомобили совға қилинди. 2-ўринга лойиқ топишган пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги "Feniks Art Servis" МЧЖ ҳамда Навоий вилоятидаги "Xumo uylari plus" бошқарув сервис компанияларига "Labo" автомобили топширилди. 3-ўрин Яккасарой туманидаги "Classic building" бошқарув сервис компаниясига насиб этиб, электромотороллер билан тақдирланди.

Бундан ташқари, қолган барча иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар, диплом топширилди.

Таъкидлаш керакки, мазкур танловдан қўзланган асосий мақсад – кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, соҳа вакилларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, илгор тажрибаларни оммалаштириш ҳамда мулкдорлар ўртасида умумий мулкка масъулиятли муносабатни шакллантиришдан иборат эди. Ўйлаймизки, бу эътироф ва муқофотлар нафақат ғолиблар, балки ҳар бир иштирокчининг келгуси фаолиятида факат ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади.

– Ростини айтсам, ғолиб бўлишимизга ишонгандик, – деди "Olmazor Holding Grant" бошқарув сервис компанияси

раҳбари Асрор Арслонхўжаев. – Ҳозирги ҳиссиётларимни бир сўз билан ифодалаб беришим қийин. Узоқ муддатли меҳнат ва ҳаракатларимиз ўз меvasини берди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, қолаверса, Олмазор тумани ҳокимиятига алоҳида миннатдорчилик билдираман. Уларнинг ишончи ва қўллаб-қувватлови билан бугунги натижаларга эришдик. Ўйлайманки, бу бизга аянам куч ва янги имкониятлар учун илҳом беради.

– Мақсадимиз – ҳамиша халқимиз ишончига эришиш бўлган, – деди "Feniks Art Servis" МЧЖ раҳбари Артём Секи-

наев. – Меҳнатимиз эътироф этилганидан хурсандман. Чунки жамоамиз билан катта йўлни босиб ўтдик. Бу умумий ғалаба, жамоавий хурсандчилик лаҳзалари бизга катта куч, келгуси фаолиятимизга ишонч бағишлади. Биз бундан кўпроғига ҳам қодирмиз. Ҳар лаҳза ўз устимизда ишлашимиз ва ривожланишимиз керак. Ушбу танлов имкониятларимизни кўриб олишимизга ёрдам берди ҳамда камчиликларни тузатишимиз учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, байрам байрамга уланиб, кўрик танлов ғолиблари ва иштирокчиларига, коммунал соҳада фаолият юритиб келаётган фидойи ходимларга "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси аълочиси" кўрак нишонлари тантанали равишда топширилди. Бу эътироф фидойи касб эгаларининг сидқидилдан қилган меҳнатлари муносиб баҳо бўлиб, келажакда янада юксак натижаларга эришишга муносиб туртки вазифасини бажарса, ажабмас.

Тантанали тадбирларда санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, эътироф ва эъзоз соҳа ходимларига кўтаринки қайфият ва мамнунлик туйғулларини бахш этди.

Шунингдек, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни байрами барча вилоятлардаги тизим ташкилотларида ҳам кенг нишонланди.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибдаги ташкилотларда нишонланган

байрам тадбирида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси И. Сидиков ва Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Қ. Айтбаев сўзга чиқиб, йиғилганларни касб байрами муносабати билан табриклади. Тадбирда "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси" кўрак нишонни соҳа фидойиларига тантанали равишда топширилди. Шунингдек, байрам тадбири давомида фаол мутахассислар вазирлик томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан ҳам тақдирландилар.

Самарқанд вилоятида ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Негматов иштирок этиб, соҳа ходимларини табриклади. Тадбирда бир гуруҳ ходимларга "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси" кўрак нишонни, вилоят ҳокимиятининг ташақкурномалари ва вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Фарғонада бўлиб ўтган байрам тадбирида вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси раҳбарияти ва "Исиклик манбаи" ДУК раҳбарлари иштирок этиб, йиғилганларни касб байрами билан қутладилар. Тадбирда 5 нафар соҳа ходими "Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси" кўрак нишонни билан ҳамда 30 нафар мутахассис фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Байрам тадбирлари республикамизнинг барча вилоятларида қизғин нишонланди.

Бир сўз билан айтганда, тадбирлар доирасида муқофотланган ходимлар бу эътирофни фидокорона хизматларига берилган юксак баҳо, энг асосийси – давлат ишончининг ифодаси эканини таъкидлашди. Инсон меҳнатининг муносиб қадрланиши уни янада юксак марралар ва улкан ютуқлар сари ундаши, шубҳасиз. Ўйлаймизки, соҳа вакилларига билдирилган бугунги ишонч, кўрсатилган ҳурмат ва эътибор келгусида ўз натижасини амалда албатта, кўрсатади.

Навоий вилояти:

Кўп қаватли уйлар қурилишида эришилган натижа ва кўрсаткичлар



Шухрат НОРМУРОДОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги энг муҳим омил – бу инсон фаровонлиги ҳисобланади. Фаровонлик эса, бунёдкорлик, шаҳарсозлик, улкан қурилишларда намоён бўлади. Кейинги йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумки, қурилишлар давом этар экан, бу жараённи назорат қилиш, айниқса, тизимга рақамлаштиришни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш давр талаби ҳисобланади. Бу борада Навоий вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар йўлга қўйилган. Яқинда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси томонидан ташкил этилган "2024-2025 йиллар давомида Навоий вилоятида қурилиш соҳасида олиб борилган ишлар, бош режаларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда кўп қаватли уйлар қурилишида эришилган натижа ва кўрсаткичлар" мавзусидаги матбуот анжуманида шу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Тадбирда бошқарма бошлиғи Акбар Ниёзов тизимда амалга оширилган ишлар, келгусидаги режалар ҳақида маълумот берди. Унга кўра, соҳани рақамлаштириш ишларига эътибор қаратилиши натижасида вилоятда фаолият юритаётган 1 минг 390 та пудрат ташкилотидан 830 тасининг молиявий ҳолати яхшилانган. 2024-2025 йиллар давомида 4 мингта

янги иш ўрни яратилган. Марказлаштирилган дастурлар доирасида барча манбалар ҳисобидан 283 та объектда 700 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Янги технологиялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланиш натижасида 86 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинган. Ушбу иқтисод қилинган маблағлар 4 та янги таълим объекти ҳамда дастур доирасида лимити етишмаган 17 та объектининг қурилиш-таъмирлаш ишларига йўналтирилган.

2024 йилдаги дастурлар доирасида 67 та 4 минг 734 хонадонли уй-жой фойдаланишга топширилган.

Маълумки, ҳозирда Навоий шаҳри марказининг метъорий қиёфасини янада яхшилаш, ҳудудни ободонлаштириш, замонавий объектлар қуриш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида "Янги Навоий" шаҳарчаси лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа йирик замонавий бизнес ва турар жой биноларидан ташкил топган инфратизим бўлиб, ундан кўп қаватли уйлар, бизнес марказлари, йирик кутубхона, кўнгилочар ва истироҳот боғла-

ри, сунъий қўл, хунармандчилик устахоналари ҳамда бошқа бир қатор бино-иншоотлар ўрин олади.

"Янги Навоий" шаҳарчаси ҳудудида биринчи босқичдаги 97 гектар ер майдони ҳудудидан 28 та лот аукцион савдолари орқали тадбиркорларга реализация қилинган. Бугунги кунда 12 та лот бўйича объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ тайёрланиб, давлат экспертизасининг ижобий ҳулосалари олинди ва 51 та турар жой биноларининг қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

Матбуот анжуманида "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган қурилиш ишлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Жумладан, лойиҳанинг 2024 йил 2-мавсуми доирасида вилоятда 87,9 миллиард сўм маблағ ҳисобига 74 та объектда қурилиш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилш кўзда тутилган. Қурилиш ишлари бўйича 56 та лойиҳа пудратчиси "Шаффоф қурилиш" платформаси орқали ҳамда жиҳозлаш ишлари юзасидан 18 та лойиҳа етказиб берувчилари "dxatid.uz" портали орқали аниқланган. Ҳозирда 56 та лойиҳадан 15 тасида қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда. 5 тасида фойдаланишга қабул қилиш далолатномалари расмийлаштирилаётган бўлса, 36 та объект фойдаланишга топширилган.

Қизгин савол-жавобларга бой бўлган матбуот анжумани якунда журналист ва блогерлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга тегишли мутасаддилардан жавоб олишди.

САЙХУНОБОД – янги саноат марказига айланмоқда

Бехзод АХМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сайхунобод туманида "Фаровон" кичик саноат зонаси ҳудудидаги 31,5 гектар майдонда умумий қиймати 60 миллион доллар бўлган 7 та йирик ишлаб чиқариш корхонаси қурилишига старт берилди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши тумanning иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим қадам бўлади.



Бундан ташқари, "Фаровон" кичик саноат зонасида умумий қиймати 90 миллион АҚШ доллари бўлган 5 та лойиҳа доирасида қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилапти. Ушбу лойиҳалар йил якунига қадар ишга туширилиши режалаштирилган. Умуман олганда, ушбу саноат зонасидаги лойиҳалар доирасида жами 150 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилади. Лойиҳалар тўлиқ ишга туширилгач, йилига 50 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорти амалга оширилиб, 950 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ҳамда импорт ўрнини босувчи 30 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Энг муҳими, ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 3500

нафар доимий иш ўрни яратилади. Бу эса, туман аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишда муҳим омил бўлади. Қолаверса, бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, импортга боғлиқликни қамайтириш ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Мазкур лойиҳа орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардорлиги оширилиб, экспорт бозорларига чиқариш имкони яратилади.

Сайхунобод туманида амалга оширилаётган бундай кенг қўламли лойиҳалар тумanning ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшади ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

“КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ” – ёш авлод қалбига нур олиб кирувчи ҳаракат

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири

Бугун китобга эътибор – эртанги келажакка, жамият маънавиятига, ёшларнинг тафаккурига эътибордир. Шу маънода, 21 апрель санасида бошланган анъанавий V Республика “Китобхонлик ҳафталиги” ўзида нафақат китобхонлик доирасида айланадиган тadbирларни, балки бутун бир миллат маънавиятининг порлоқ қиёфасини мужассамлаштиради.



Ҳафталик “Ўзбекистон – китобхонлар юрти” шиори остида старт олди. Бу галги тadbирлар фақат кўрғазма, савдо-ярмаркалар, давра суҳбатлари билангина эмас, балки ўзида чуқур ички фалсафа ва долзарб мақсадларни жамлагани билан ажралиб турибди. Tadbир очилишида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев қуйидаги фикрларни билдирди:

– Қайд этиш керакки, ушбу ҳафталик юртимизда китобхонлиكنи янада ривожлантириш, хусусан,

мутахассислар, экспертлар иштирокида кутубхоначилик ва ноширлик соҳасида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, янги ғоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда галдаги устувор вазифаларни белгилаб олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ҳафталик доирасида республика бўйича дастурларга мувофиқ семинар, учрашув, тақдирот ва давра суҳбатлари, китоб савдо-ярмаркалари, қисқа қилиб айтганда, 1000 дан ортиқ маънавий-маърифий тadbирлар ўтказилиши

режалаштирилган. Ўйлаيمانки, ҳафталик давомидаги тadbирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдиради.

Бу ҳафталик нафақат ўқиш, балки фикрлашга ундайдиган, ўрганишга илҳомлантирадиган майдон бўлиб хизмат қилади, десак адашмаган бўламиз. Юртимизда сўнгги йилларда китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш бoрасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Миллий дастур асосида нафақат кутубхоналар реконструкция қилинмоқда, балки ноширлик соҳасининг ҳуқуқий ва моддий асослари мустаҳкамланмоқда. Яқинда қабул қилинган ҳукумат қарори асосида, 2025-2026 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида ҳар шанба “Китобхонлик куни” деб эълон қилинади. Бу эса, ёшларнинг китобга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирувчи, доимий ўқув муҳитини шакллантирувчи янгилик бўлиши кутилмоқда. “Китобхонлик ҳафталиги” доирасида “Ноширдан китобхонгача” тамойилига асосланган савдо-ярмаркалар, “Жадидлар изидан” танловлари, ёш ижодкорлар учрашувлари, янги адабиётлар тақдимотлари ва қўллаб-бошқа лойиҳалар режалаштирилган. Шу тарика, нафақат пойтахтда, балки вилоятлар, шаҳар ва туманларда ҳам турли-туман маданий-маърифий тadbирлар ўтказилмоқда.

Tadbир спикерларидан бири – Республика Маънавият ва маърифат маркази директори Отабек Хасанов билан қисқача интервью ҳам ташкил қилдик. У қуйидаги мулоҳазаларини билдирди:

– Биз учун ёшларни айбдор қилишдан осони йўқ. Аммо уларнинг қизиқишларини, эҳтиёжларини қаноатлантирадиган китобларни нашр қилиш, ёшиш қўп ҳам инобатга олинмайди. Бутун кинoларни тақдим қилишда турли ёш категорияларига алоҳида эътибор қилинади. Менимча, китобларда



ҳам ёшга оид чекловлар бўлиши керак. Ёшларнинг онгини ҳимоя қилиш бутун ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланган. Кўпчилик китобхонлиكنи 3-4 та машина бериш билан ривожлантириб бўлмайди, дейиши мумкин. Аммо бу янглиш фикр. Гап 3-4 та машинада эмас, балки бир мақсад йўлида курашиб, китоб ўқиётган минглаб ёшлар тоифасини шакллантириш, ижобий мотивациялашдир. Ўйлаيمانки, эзгу ишлар яқин фурсатда ўз мевасини беради.

Дарҳақиқат, ҳафталик давомида тақдим қилинадиган ҳар бир китоб, ўтказилаётган ҳар бир суҳбат – бир бўлак умид, бир зарра илҳомдир. Бу илҳом эса ёшларнинг қалбига илдиэ отиб, улкан маънавий дарахтга айланиши мукarрар. Китоб – фикр майдони, рухий саёҳат, тафаккур машқи. Шундай экан, “Китобхонлик ҳафталиги” ни – фақат бир ҳафталик акциядек эмас, балки бутун ҳаётимизга сингдирилиши керак бўлган кундалик одат сифатида қабул қилайлик. Зеро, маърифат сари юрилган йўл – ҳар доим энг ёруғ ва энг бардавом йўлдир.

Фахрийлар

Муҳим лойиҳалар иштирокчиси

Шерзод НИЗАМОВ, Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

Қурилиш–бунёдкорлик ишлари қай даражада ривожланса, малакали кадрларга бўлган талаб ҳам шунча ортади. Бу масаланинг энг мақбул ечими эса – таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда, соҳада “Устоз-шогирд” анъанасини тизимли йўлга қўйишдан иборат.



Таъкидлаш керакки, архитектура ва қурилиш соҳасида кўп йиллар фаолият юритиб, амалий ва назарий жиҳатдан етук билимга эга фахрий устозлар юртимизда кўплаб топилади. Уларнинг билим ва маҳорати, тажриба ва малакаси, қолаверса, ҳаётий маспахат ҳамда тавсиялари туфайли ёш кадрлар соҳанинг пасту баландини ўрганиб, ўз ўрнини топмоқда.

Тахирходжа Адилходжаев ҳам ана шундай фахрий устозлардан биридир. Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийси бўлган устоз бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрацияси ҳузурдаги “Қурилиш бирлашмаси” ДУКнинг Қурилиш-монтаж ишларида сифат назорати бўлимида фаолият юритиб келмоқда.

У 1968 йил 17 июнда Тошкент шаҳрида зиёилилар оиласида таваллуд топган. 1992 йилда Тошкент муҳандислик-транспорт институтининг Саноат фуқаро қурилиши йўналишини муҳандис-қурувчи мутахассислиги бўйича таомлаган. Фаолиятини “4-сон Стройтрест” АЖнинг 7-сонли қурилиш бошқармасида участка мастери вазифасидан бошлаб, кўп йиллар давомида ишлаб, соҳанинг сир-асорларини пухта эгаллади. Ўзига яраша тажриба ҳам орттирди.

Бугунги кунда у Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши аъзоси сифатида ёшларга “Устоз-шогирд” анъаналарига мувофиқ, соҳага оид билимлардан ташқари, ҳаётий сабоқларни ҳам ўргатмоқда. Шунингдек, ўзининг ғоялари орқали бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қурилишни техник жиҳатдан тартибга солиш, бунёдкорлик ишларини шаҳарсозлик норма ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаб, Ўзбекистон қурилиш соҳаси ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Т. Адилходжаев шаҳарсозлик ва архитектура соҳасини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, концепция ва дастурларни шакллантириш, шаҳарсозлик соҳасидаги замонавий талабларни амалиётга жорий этиш юзасидан ҳам ўринли тақлифларни илгари сурмоқда. Ишлаб турган вазифасидан вақт ортириб, ўз тажриба ва билиминини ёшларга улаштиш мақсадида республикаимизда сифат назорати тизими-

да ишлаётган ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. У қаерда, ким бўлиб ишлашидан қатъи назар, ҳаммиса қўл остидаги ходимларни ҳурмат қилиш ва уларнинг меҳнатини қадрлашни қанда қилмайди.

Меҳнат фаолияти давомида Бектемир туманидаги қимматбаҳо қоғоз заводи, “Ўрикзор” АТС, Хувайдо кўчасидаги Уролология институти, М. Ганди кўчасидаги турар жой бинолари, Ломоносов номидаги МДУнинг Тошкент шаҳар филиали, “Наврўз” саҳна мажмуасини реконструкция қилиш, Марғилон шаҳридаги дехқон бозори, Навоий шаҳридаги кремний заводи, Устюрт газ-кимё мажмуаси – Қорақалпоғистон Республикаси геология тадқиқоти, Қандим газни қайта ишлаш заводи – геология қидируви, Яшнобод туманидаги кўп тармокли болалар шифохонаси, НКМК қошидаги Учқудуқ ГМЗ-3-сон кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати биносини капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этган.

Булардан ташқари, унинг иштирокида Ўрта Осиёда ягона бўлган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошида 255 ўринли ҳарбий қилинмика шифохона, Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрацияси ҳузурдаги Тибиёт бош бошқармасига қарашли 1-сонли марказий клиник шифохонасининг 1-, 4-, 5-сонли бинолари, маъмурий-ҳўжалик бинолари, қишки сузиш ҳавзасини реконструкция қилиш, шунингдек, 120 ўринга мўлжалланган янги тиббиёт биносини қуриш ва ҳудудини ободонлаштириш каби бир қанча муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий-маданий объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилган.

Устозлик шарафли маком. Бу даражага эришиш учун эса билим ва малакадан ташқари, улкан матонат, сабр-бардош ва кенг феъл ҳам талаб қилинади. Тахирходжа Адилходжаев сингари устозлик мақомини шараф билиб, ёшларга билим ўргатишдан чарчамайдиган фидойи инсонлар бор экан, юртимиз бунёдкорлик соҳаси тараққий этаверади.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил апрель ойининг 22-24 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи **Музаффар Қадиров,**

“Ташгипрогор” АЖ архитекторлар гуруҳи раҳбарлари **Ирина Ким, Фарида Шарафудинова,**

“Qo‘qon Loyiha Qurilish” МЧЖ архитектори **Баҳодиржон Юсубжонов,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 7-ўстахонаси 2-тоифали иқтисодчиси **Насиба Мухримова,**

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи бўлими бошлиғи ўринбосари – бош архитектор **Абдирахим Мнажов,** Мўйноқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи бўлими бош архитектори **Еркинбай Абдибаев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош мутахассиси **Акмал Юлдашов,** Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича бош мутахассиси **Раметулла Борибаев,**

Андижон вилояти Хонобод шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи бўлими бошлиғи **Мухамадисмоил Турғунов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи бош бошқармаси девонхона ва ижро назорати бўйича бош мутахассис **Диловар Абдуллаева,** бош бошқарманинг хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлими етакчи мутахассиси **Маҳмуд Мирзоев,** Жондор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи бўлими бош мутахассиси **Шаҳзод Воҳидов,** Шофиркон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи бўлими бош мутахассиси **Алишер Рафиқов,**

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти, Паркент туманида барпо этилаётган кўп хонадонли турар жойларни сотиш ишларини ташкиллаштириш учун жиматларни шартнома асосида кўрсатувчи ташкилотларни танлаб олиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик, кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш, кўчмас мулк бозорига ахборот ва маспахат хизматлари кўрсатиш истагида бўлган ташкилотлар тақлифлари қабул қилинади.

Энг юқори рейтингга эга ва самарали иқтисодий тақлифлар қиритган ташкилотлар танлов ғолиби сифатида танланади.

Тақлифлар 2025 йилнинг 29 апрелига қадар Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46-уй манзилида “Perfect Capital Investment” МСН] офисида қабул қилинади.

Телефон: 90-996-59-09.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№35 (888) 2025 йил 22 апрель



ЎТМОЙ-ЎТМОЙ ГАЗЕТА
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов, (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожидин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маҳкамов
Мусакххх	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазирлиғи, “Ўзсанотқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзТАШҚИЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар: 71-241-01-29 (қабулхона), 71-241-01-43 (таҳририят), 71-241-01-29 (бухгалтерия), 71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Бурутма – Г- 441.
2047 нусхда босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси қилишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятта келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилиб ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.
Навбатчи – А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – Тошпирилик – 23.30.